# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING
# QARORI

Samarqand sh., Ko'ksaroy maydoni, 1-uy.

2022 - yil 17 - fevral 77-7-0-Q/22 Samarqand viloyat hokimligi

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони ижросини таъминлаш ҳақида

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларини ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган давлат дастурларнинг ижросини таъминлаш мақсадида:

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони билан, қуйидаги еттита устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси (кейинги ўринларда – Тараққиёт стратегияси) ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) тасдиқланганлиги;

инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини

тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш устувор вазифа этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" давлат дастурини амалга оширишга оид вилоят ҳудудий дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ташкилот ва корхоналар, шаҳар ва туман ҳокимликлари мазкур дастур ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласин.

5. Давлат дастурини вилоятда ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар қурилишини ва дастурнинг бажарилишини мувофиқлаштирувчи вилоят ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ураков, Очилов) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда:

маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари фаолиятни самарали йўлга қўйилишини;

ҳоким ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилишини таъминласин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари

ҳамда барча даражадаги вилоят ташкилотлари раҳбарлари маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиш тартиби жорий этилганлиги ва маҳалладаги ишларнинг ҳолати уларнинг фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгиланганлиги инобатга олишсин.

8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков), вилоят ҳокими ўринбосари – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (И.Жабборов), туман (шаҳар) ҳокимлари ва маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, маҳаллаларни ихтисослаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Р.Қобилов, И.Жабборов) вилоят Бандлик бош бошқармаси (Н.Сулаймонов), туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш ва ўқитиш марказлари, тадбиркорлик объектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Х.Очилов, А.Шукуров) вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Д.Жуманиёзов), туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни “бир қадам” тамойили асосида йўлга қўйсин ва 14 та оилавий шифокор пункти ва 9 та оилавий поликлиникаларни қурилиш ишларини 2022 йил якунига қадар якунлаш чораларини кўрсин.

11. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (Ш.Юлдашев) ҳар чорак якуни билан тегишли масъуллар томонидан мазкур қарор билан тасдиқланаётган дастур ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларни бажарилишини халқ депутатлари вилоят Кенгашида эшитиб борилишини таъминлаш бўйича чораларни кўрсин.

12. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинмаси (Э.Ҳамраев)га:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган мақсадларга

эришилганлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳузурида ташкил этиладиган йиллик муқобил ҳисоботлар тайёрлаб борувчи республика Мустақил мониторинг ва баҳолаш жамоатчилик гуруҳи таркибига вилоятнинг фаол, кўзга кўринган нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда депутатларнинг рўйхатини тақдим этиш;

2022 йил давомида дастур бажарилиши юзасидан тизимли равишда мониторинг тадбирлари ва унинг натижалари юзасидан жамоатчилик эшитувлари ўтказиб бориш;

фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда аҳолини ташвишлантирадиган, норозилигига олиб келадиган масалаларни тезкорлик билан бартараф этишга қаратилган шунингдек, фуқаролар томонидан кўтарилаётган ташаббусларни умумлаштирган ҳолда жамоатчилик лойиҳаларини амалга ошириш тавсия этилсин.

Вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев) билан биргаликда жамоатчилик лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағлар ажратиш бўйича таклифларни киритсин.

13. Вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати – матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят телерадиокомпанияси (М.Ихтиёров), “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти (Ф.Тошев) дастур доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Вилоят ҳокимининг ўринбосари – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (И.Жабборов), вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи (С.Абирахматов) ҳар ойнинг 2-санасига қадар дастур бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Адлия вазирлигига маълумот киритиб борсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини сифатли ташкил этиш ва назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ураков, И.Жабборов) зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **Э.Турдимов**

Самарқанд вилоят ҳокимининг
2022 йил 17 февралдаги
77-Л-0-Q/22-сон қарорига
1-илова

**2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид вилоят**

**ДАВЛАТ ДАСТУРИ**

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Амалга ошириш харажатлари (молиялаш-тириш манбалари) | Назорат қилувчилар | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ | | | | | | | |
| 1-мақсад. Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш | | | | | | | |
| 1. | Маҳаллаларнинг аҳоли ҳамда кенг жамоатчилик билан алоқаларини такомиллаштириш. | 1. Маҳаллаларда аҳоли ҳамда кенг жамоатчилик билан алоқалар тизимини такомиллаштириш бўйича Ишчи гуруҳлар тузиш.<br>2. Аҳолининг оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали билдирилаётган танқидий фикрлари ҳамда мурожаатларини ўрганиш ва таҳлил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.<br>3. Аҳоли муаммоларини бартараф этиш мақсадида мутасадди бошқарма ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ишларини ташкил этиш. | Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар | 2022 йил май | | Вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Жабборов | Вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси Д.Хўжамбердиев, шаҳар ва туман ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2. | Маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш. | 1.Маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ни ишлаб чиқиш.<br>2. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш.<br>3. Маҳаллада бир турдаги ихтисослашувда фаолият юритаётган аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича чора- тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.<br>4. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчиларининг масъулиятини ошириш.<br>5. Маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш. | Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар | 2022 йил август | Ҳисоб-китобларга асосан | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ж.Ураков, И.Жабборов | Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг вилоят бошқармаси Б.Рофев, вилоят Молия бош бошқармаси Б.Мирзаев, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси Ж.Шодиев, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| **3-мақсад. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш** | | | | | | | |
| 3. | Маҳаллий бошқарув фаолиятига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш. | “Рақамли халқ депутатлари Кенгаши” лойиҳаси доирасида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.<br>Бунда:<br>вилоят, шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларининг йиғилишларини ўтказишда ортиқча сансалорликларни бартараф этиш;<br>маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳудудий ижро органларини назорат қилиш доирасидаги ҳисоботлар, қарорлар, сўровлар ва бошқа ҳужжатлар ҳамда уларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотларни эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш назарда тутилади | Норматив - ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси таклиф киритиш | 2022 йил давомида | Ҳисоб-китобларга асосан | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков | Вилоят Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси Д.Хўжамбердиев, вилоят Инновацион ривожланиш бошқармаси Ш.Кудратов, халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти Ш.Юлдашев, шаҳар ва туман ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **II. МАМЛАКАТИМИЗДА АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ЗАРУР ШАРТИГА АЙЛАНТИРИШ** | | | | | | | |
| **20-мақсад. Фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва итоат қилиш ҳиссини шакллантириш** | | | | | | | |
| 4. | Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим муассасалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш. | Аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот, қабул қилинаётган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказишни** хусусий секторни жалб қилган ҳолда янги тамойиллар асосида ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | - | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков | Вилоят Адлия бошқармаси С.Нуриев, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| **III. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ** | | | | | | | |
| **21-мақсад: Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баробар ошириш** | | | | | | | |
| 5. | Вилоятда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш | Ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича “Йўл харита”ни амалга ошириш.<br>Бунда ҳудудлар кесимида озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш ва ички бозорда интервенция қилиш ҳажмлари кўрсаткичлари;<br>шаҳар ва туман ҳокимликлари-нинг ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш борасидаги вазифаларини аниқ белгилаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил 15 феврал дан бошлаб | Хисоб-китоблар асосида | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси Д.Шакарбоев,<br>вилоят Молия бош бошқармаси Б.Мирзаев,<br>Марказий банк вилоят бошқармаси М.Тохиров,<br>вилоят Бозорлар уюшмаси Т.Мамадалиев,<br>тегишли бошқарма ва ташкилотлар,<br>шаҳар ва туман ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизини “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш. | Туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартибини жорий этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил февралдан бошлаб | Туман ва шаҳар бюджети ҳисоб-китоб асосида | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков | Вилоят Молия бош бошқармаси Б.Мирзаев, вилоят Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси Н.Санақулов, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| **22-мақсад: Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улуши қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга ошириш** | | | | | | | |
| 7. | Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш. | 1. 2022-2026 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида қиймати 8,5 трлн. сўмлик 230 та лойиҳаларни ишга тушириш ва 11,4 мингта янги иш ўринлари яратиш.<br>2. Пахтачи ва Нуробод туманларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 2 та кичик саноат зоналари барпо этиш. Ушбу туман (шаҳар)ларда бошқа ҳудудлар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиш;<br>- янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва бошқа қурилиш харажатларини камайтириш ҳисобига қурилишга кетаётган вақтни 30 фоизга камайтириш ҳамда қурилиш таннархини 20 фоизга арзонлаштириш;<br>соҳадаги 496 та корхоналарда техник талабларни амалда қўлланишини баҳолаб, корхоналарда 4,5 мингдан зиёд халқаро стандартлар ва 6 та техник регламентларни жорий қилиш, экспортёр корхоналарда чет мамлакатларнинг талабларини етказиш бўйича корхонабай чора-тадбирларни белгилаб, амалга ошириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил декабрь | – | Вилоят хокими ўринбосари Ж.Ҳайдаров, вилоят ҳокимининг Маҳаллий саноатни ривожлан-тириш масалалари бўйича ёрдамчиси Н.Ибрагимов | “Ўзсаноатқурилиш банк” вилоят бўлими, вилоят Кичик саноат зоналари ягона дирекцияси А.Юсупов, вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров, шаҳар ва туман ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 8. | Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга (13,0 млрд АҚШ доллари) кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини 3 баробарга (20 минг доллар) ошириш. | 1. Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт<br>ҳажмларини 2022-2026 йилларда кўпайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.<br>Умумий қиймати 5,1 трлн. сўмлик 124 та лойиҳалар ишга тушириш ва 10,2 мингта янги иш ўринлари яратиш.<br>Тайёр маҳсулотлар учун миллий брендларни ривожлантириш ва уларнинг экспортини ошириш, жумладан, миллий ва хорижий брендлаги тайёр маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш;<br>2022-2024 йилларда "URGAZ karpet" ва "SAG" корхоналари негизида сунъий толадан то тайёр гилам ва тўқимачилик маҳсулотларигача ишлаб чиқариш жараёнини қамраб олган 500 миллион долларлик кластерни ташкил этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил октябрь | Ҳисоб- китоблар асосида | Вилоят хокими ўринбосари Ж.Ҳайдаров | "Ургут" ЭИЗ дирекцияси, тижорат банклари, вилоят Кичик саноат зоналари ягона дирекцияси А.Юсупов, вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров, туман ва шаҳар ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 9. | Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 3,2 баробарга кўпайтириш. | 1. Ҳудудларда чарм маҳсулотидан пойабзал ва чарм-атторлик тайёр маҳсулотлари, шунингдек, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш орқали 2026 йилга бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш.<br>Бунда: тайёр чарм маҳсулотларини 2,3 баробарга, пойабзал маҳсулотларини 2,8 баробарга, импорт ўрнини босувчи бутловчи ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришини 1,3 баробарга ошириш;<br>2.Чарм-пойабзал соҳасида қиймати 310,0 млрд. сўмлик 21 та лойиҳалар ишга тушириш ва 750 та янги иш ўринлари яратиш;<br>3. Ургут ва Самарқанд туманларида чарм-пойафзал соҳасига ихтисослаштирилган кичик саноат зоналарини ишга тушириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил октябрь | Ҳисоб- китоблар асосида | Вилоят хокими ўринбосари Ж.Ҳайдаров, вилоят ҳокимининг Маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси Н.Ибрагимов | "Ургут" ЭИЗ дирекцияси, тижорат банклари, вилоят Кичик саноат зоналари ягона дирекцияси А.Юсупов, вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров, туман ва шаҳар ҳокимликлари |
| 10. | Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастурини амалга ошириш. | Озиқ-овқат хом ашё базасини кенгайтириш ва органик маҳсулотлар ҳажмини босқичма-босқич ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.<br>Бунда,<br>2022-2024 йилларда озиқ-овқат соҳасида 1,3 трлн.сўмлик 96 та лойиҳаларни ишга тушириш ва 1450 та янги иш ўринлари яратиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил сентябрь | Ҳисоб- китоблар асосида | Вилоят хокими ўринбосари Ж.Ҳайдаров | "Ургут" ЭИЗ дирекцияси, тижорат банклари, вилоят Кичик саноат зоналари ягона дирекцияси А.Юсупов, вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров, туман ва шаҳар ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 11. | Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш. | 2022-2024 йилларда фармацевтика соҳасида 7 та 468,3 млрд сўмлик лойиҳани амалга ошириш орқали 460 га янги иш ўринлари яратиш, бунинг учун соҳага 23,2 млн АҚШ долларлик хорижий инвестицияларни жалб этиш;<br>Фармацевтика саноатини 2022-2024 йилларда янада ривожлантириш дастури асосида қисқа ва узоқ муддатли шартномалар тузиш орқали кафолатли сотиб олиш механизмини жорий этиш;<br>маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб- қувватлаш ва уларга шарт-шароитлар яратиб бериш. | Амалий чора-тадбирлар дастури | 2022 йил август-сентябрь | Ҳисоб- китоблар асосида | Вилоят хокими ўринбосари Ж.Ҳайдаров, вилоят ҳокимининг Маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси Н.Ибрагимов | Тижорат банклари,вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| 12. | Электротехника саноатида юқори қийматли махсулотлар ишлаб чиқариш хажмини 2 бараварга, экспортини 3 бараварга ошириш. | 1. 2022-2026 йилларда электротехника соҳасида қиймати 2,1 трлн сўмлик 36 та лойиҳаларни ишга тушириш ва 2,9 мингта янги иш ўринлари яратиш;<br>2. Янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштириш ва маҳаллийлаштириш даражаси ўртача 60 фоизга етказиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш.<br>3. Пастдарғом, Жомбой, Самарқанд туманлари ва Самарқанд шаҳрида электротехника соҳасида 200 миллион доллар инвестициялар ҳисобига 4,5 минг иш ўринлик алоҳида саноат кластерини ишга тушириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил октябрь | Ҳисоб- китоблар асосида | Вилоят хокими ўринбосари Ж.Ҳайдаров | “Ургут” ЭИЗ дирекцияси, тижорат банклари, кичик саноат зоналари ягона дирекцияси А.Юсупов, вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| **25-мақсад: Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 13. | Барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларини кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олинишини таъминлаш. | Оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлигини 14 625 кмга етказиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил давомида | Ҳисоб-китоблар асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят худудий бошқармаси Д.Хўжамбердиев |
| | | Аҳоли масканларини кенг полосали интернетга уланиш имкониятининг қамрови даражаси 58 фоизга етказиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил давомида | Ҳисоб-китоблар асосида | | |
| | | Аҳоли яшаш масканларини кенг полосали мобил интернет билан қамров даражасини 98 фоизга етказиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил давомида | Ҳисоб-китоблар асосида | | |
| 14. | "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Самарқанд вилояти почта бўлинмаларида давлат хизматлари ҳажмини ошириш. | Давлат хизматлари кўрсатадиган почта бўлинмалари сонини 80 тага ҳамда уларда кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини 82 тага етказиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил давомида | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров | "Ўзбекистон почтаси" АЖ вилоят филиали У.Мавлонов |
| 15. | Маҳаллий бошқарув фаолиятига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш. | Маҳаллий ҳокимликлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш. Бунда:<br>Маҳаллий кенгашларнинг йиғилишларини ўтказишда ортиқча сансалорликни бартараф этиш:<br>Маҳаллий кенгашлар томонидан ҳудудий ижро органларини назорат қилиш доирасидаги ҳисоботлар, қарорлар, сўровлар ва бошқа ҳужжатлар ҳамда уларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотларни эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш назарда тутилган. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил декабрь | Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан (ижрочилар маблағлари) | Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси Д.Хўжамбердиев, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| 16. | Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган электрон давлат хизматларидан фойдаланувчилар сонининг улушини 25 фоизга етказиш. | Ягона интерактив давлат хизматлари порталини такомиллаштириш, аҳоли ўртасида тарғибот қилиш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йилда | Алоҳида ҳисоб-китоб асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси Д.Хўжамбердиев |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 17. | Кўчма савдо фаолиятига замонавий ахборот технологияларини ҳудудда жорий этиш. | 1. Ҳудудда кўчма савдо объектлари учун жойларни "K-Savdo" автоматлаштирилган ахборот тизимига жойлаштириш.<br>2. Кўчма савдо жойи объектларини электрон аукционда сотишни ташкил этиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил февраль, кейинчалик доимий | Алоҳида ҳисоб-китоб асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси Д.Хўжамбердиев, вилоят Давлат солиқ бошқармаси А.Иногомов, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| 18. | Ҳудуддаги 4 та олий таълим муассасаларида IT-Парк инкубация марказларини ташкил этиш. | Олий таълим муассасалари IT-Парк билан ҳамкорлик меморандумни имзолаш.<br>Инкубация марказларини ташкил этиш мақсадида олий таълим муассасаларида зарур майдонларни ажратиш.<br>Инкубация марказларини замонавий компьютер техникаси, зарур мебель ва инвентарлар билан жиҳозлаш.<br>Инкубация марказлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида малакали мутахассисларни жалб қилиш.<br>Олий таълим муассасаларида инкубация ва акселерация дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил декабрь | Ҳисоб-китоблар асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров | IT-Парк вилоят филиали Ш.Юсупов, вилоятдаги олий таълим муассасалари |
| 19. | IT-Парк резидентлар сонини ошириш. | IT-Парк резидентлари сонини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш режасини ишлаб чиққан ҳолда резидентлар сонини 20 тага етказиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил давомида | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров | IT-Парк вилоят филиали Ш.Юсупов, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси Д.Хўжамбердиев |
| 20. | "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида рўйхатдан ўтганлар сонини ошириш. | Рўйхатдан ўтганлар сонини 300 000 нафарга етказиш | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил давомида | Алоҳида ҳисоб-китоб асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров | Вилоятдаги олий таълим муассасалари, вилоят Халқ таълими бошқармаси З.Шодиева |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 21. | Вилоятда фаолият юритаётган рақамли технологиялар ўқув марказлари тингловчилари сонини ошириш. | Вилоятда фаолият юритаётган рақамли технологиялар ўқув марказларида тингловчилар сонини 8,0 минг нафарга етказиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил давомида | Алохида ҳисоб-китоб асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров | IT-Парк вилоят филиали Ш.Юсупов, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали З.Қаршиев |
| 22. | Умумтаълим мактаблари негизида босқичма-босқич информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш. | Информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар сонини 13 та етказиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил давомида | Ҳисоб-китоблар асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров | Вилоят Халқ таълими бошқармаси З.Шодиева, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят бошқармаси Д.Хўжамбердиев, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| **28-мақсад: Вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда вилоят экспорт ҳажмларини 1,5 млрд АҚШ долларига етказиш** | | | | | | | |
| 23. | Экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 1,2 баробар кўпайтириб, Европа давлатларига ДжиЭсПИ+ тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш. | ISO, Global, GAP, Organic ва бошқа ривожланган давлатлар стандартлари жорий этилган экспортчи корхоналар сонини 25 тадан 100 тага етказиш. | Амалий чора-тадбирлар лойиҳасига таклиф киритиш | 2022 йил давомида | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Ходжаев | Вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров, "Uztest" вилоят бўлими К.Муродов |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 24. | "Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти" ғояси асосида 7 та экспортчини очиқ танлов асосида саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. | 1. "Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти" дастури асосида 7 та экспортчиларни қўшимча қўллаб-кувватлаш ва уларни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси карори лойиҳасига таклиф киритиш | 2022 йил август | Ҳисоб-китоблар асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Ходжаев | Вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| | | 2. 7 та экспортчи корхоналар рўйхатини шакллантириш. | | 2022 йил сентябрь | | | |
| | | 3. Мазкур экспортчи корхоналарнинг ишлаб чикаришдан – хорижий харидоргача бўлган жараёндаги муаммоларини бартараф этиб бориш. | | Доимий | | | |
| | | 4. Экспортчи корхоналарни малакасини ошириш мақсадида етук хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда "Экспортчилар мактаби"ни ташкил этиш. | | 2022 йил сентябрь | | | |
| | | 5. Ҳар йили вилоятнинг ҳар бир ҳудудидан энг салоҳиятли 5 та маҳаллий корхоналарни ташқи бозорларга чиқишига йўл очиб бериш мақсадида "Тадбиркордан – экспортчигача" тамойили асосида ҳар бир корхона учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш. | | 2022 йил ноябрь | | | |
| **29-мақсад: Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш** | | | | | | | |
| 25. | Ҳудудларда янги саноат зоналарини ташкил этиш. | Вилоятнинг барча туман (шаҳар)ларида "Ургут" ЭИЗ филиалларини ишга тушириш, 88 та янги КСЗларни ва "Ўзбекистон-ШҲТ" индустриал зонасини ишга тушириш. Бунда: - саноат зоналарининг ҳар бирига камида 15 та корхонани жойлаштириш; - саноат зоналарига электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмаси етказиб беришни тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш. | Вазирлар Маҳкамаси қарори Лойиҳасига таклиф киритиш | 2022 йил давомида | Ҳисоб- китоблар асосида | Вилоят хокими ўринбосари Ж.Ҳайдаров | "Ургут" ЭИЗ дирекцияси, тижорат банклари, вилоят кичик саноат зоналари ягона дирекцияси А.Юсупов, вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров, шаҳар ва туман ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **30-мақсад: Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш** | | | | | | | |
| 26. | Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали 2022 йилда даромадни камида 25 фоизга ошириш. | 1. Маҳсулот таннархини 30-35 фоизга қисқартириш, пахтадан ўртача 37 центнер ва галладан 70 центнер ҳосил олишга эришиш.<br>2. Биологик эскирган навлар ўрнига серҳосил, эртапишар, тола ва дон сифати юқори бўлган ғўза ва ғалла навлари майдонини кенгайтириш;<br>3. Замонавий сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобига пахта ва дон ҳосилдорлигини гектардан **7-10 центнер**га ошириш.<br>4. Сабзавот ва полиз экинларини селекциясини кучайтириш ҳисобига маҳаллий навларнинг улушини ошириш. | Чора-тадбирлар дастури | 2022 йил давомида | Тадбиркорлик субъектлари-нинг ўз маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Абилов | Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси С.Ҳакимов, "Уруғчилик маркази" ДМ вилоят бошқармаси Ғ.Сулаймонов, вилоят Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Ф.Раджабов, туманлар ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 27. | Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш хажмини 45,4 млрд.сўмга (104,6%) етказиш. | 1. Вилоятда 1,1 минг гектар суғориладиган ерлар ҳамда 7,1 минг гектар сув талаб қилмайдиган экинларни жойлаштириш ҳисобига 8,1 минг гектар ерлар қайта (оборотга) фойдаланишга киритиш.<br>2. Вилоятда 6 303 гектар пахта ва ғалладан қисқарган майдонни ишсиз фуқароларга 10 сотихдан 1 гектаргача 10 йил муддатга ижарага бериш.<br>3. Пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан қиймати 456,6 млрд.сўм бўлган 5 та инвестиция лойиҳаси амалга ошириш.<br>4. Вилоятда 27,9 минг гектарда сув тежайдиган технологиялар жорий этиш.<br>5. Лалми ерларда 3,5 минг гектар интенсив боғ ва 8,2 минг гектар токзор барпо этилиб, қўшимча 40 минг иш ўрни яратиш.<br>6. 2022 йил ҳосили учун 631,4 мингта аҳоли хонадонларидаги 69,7 минг гектар томорқа ерларида мавсумий экинлар экиш, жумладан, 19,5 минг гектар тўқсонбости, 57,4 минг гектар эртаги, 33,3 минг гектар эртачи (такрорий) экинлар экиш.<br>7. Пайариқ, Қўшработ, Иштихон, Нарпай, Булунғур ва Ургут туманларининг лалми ерларида интенсив боғ ва токзор барпо этиш орқали қўшимча 40 минг иш ўринлари яратиш.<br>8. Нуробод, Қўшработ ва Каттақўрғонда 18 минг гектар лалми ер майдонларини ўзлаштириш, қўй ва эчкичилик кластерлари ташкил этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида<br><br>2022 йил март<br><br>2022 йил давомида | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Абилов | Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси С.Ҳакимов,<br>Кадастр агентлиги ҳузуридаги Давлат кадастрлари палатасининг вилоят бошқармаси Б.Умаров,<br>вилоят Инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров,<br>Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Ф.Раджабов,<br>вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши А.Норқўзиев,<br>вилоят Бандлик бош бошқармаси Н.Сулаймонов,<br>вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси А.Нуруллаев,<br>туманлар ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 28. | Туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш. | 1. “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили бўйича 221 та маҳаллаларни ихтисослаштириш (19%) ҳамда икки ва уч марта ҳосил олишни йўлга қўйиш.<br>2. Кейинги беш йилликда қўшимча 30 минг гектар янги ер майдони ўзлаштирилиб, мева-сабзавот, доривор ва озуқа экинларини етиштириш учун танлов асосида ер ажратиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил февраль | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Абилов | Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси С.Ҳакимов, туманлар ҳокимликлари |
| 29. | Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини ва иссиқхоналарни кўпайтириб, экспорт салоҳиятини ошириш. | 1. 2022 йилда вилоятда 4900 гектар боғ-токзорларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш.<br>2. “Тайёр ҳолда топшириш” механизми асосида 400 гектарда интенсив боғ ва токзорларни барпо этиш.<br>3. Иқтисодий самарасиз бўлган 467 гектар боғларни реконструкция қилиш.<br>4. Сертификатланган 1 млн. дона мева кўчатлари билан таъминлаш.<br>5. 2022 йилда 10544 гектар майдонда токзор барпо этиш ва бунинг учун 12 млн. дона кўчатларни етказиб бериш.<br>6. Бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобига 5 мингдан зиёд аҳоли томорқасида енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш.<br>7. Экспорт салоҳиятини 168 млн. АҚШ долларига ошириш чораларини кўриш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Ҳисоб- китоблар асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Абилов. | Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси С.Ҳакимов, вилоят Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Ф.Раджабов, Академик М.Мирзаев номидаги БУВИТИ Т.Исламов, вилоят Инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров, вилоят Бандлик бош бошқармаси Н.Сулаймонов, туманлар ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 30. | Агрологистика марказлар сонини кўпайтириш, уларни ривожлантириш ва замонавий лабораториялар сонини ошириш. | 1. Агрологистика марказлари сонини 9 тага ва қувватларини 71,0 минг тоннага етказиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.<br>2.Булунғур туманида "Самарқанд Гарден пласт" МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 3,5 минг тонна қувватга эга бўлган меваларни қайта ишлаш ва мураббо тайёрлаш, дойпак усулида қадоқловчи йирик Агрологистика марказини ишга тушириш.<br>3.Самарқанд тумани Гулобод қўрғонида "Парвиз Фариз" МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 1000 тонна қувватли сабзавотни қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш Агрологистика марказини ишга тушириш.<br>4. Жомбой туманида "Ўзагрологистик центр" МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 498 минг тонна қувватли Агрологистика марказини ишга тушириш.<br>5. Самарқанд туманида "Multifruit Korea" МЧЖ томонидан лойиҳа қуввати 10 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишловчи йирик Агрологистика марказини ишга тушириш. | Тармоқ жадвали | 2022 йил давомида<br><br><br><br><br><br><br><br><br><br><br><br><br>2024 йилда | Ўз маблағи ҳисобидан ва банк кредити | Вилоят ҳокимининг ўринбосар-лари Ж.Ураков, Ф.Абилов, О.Ходжаев | Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси С.Ҳакимов, вилоят Инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров, Марказий банк вилоят бош бошқармаси М.Тохиров, вилоят Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси А.Тамикаев, вилоят Ўсимликлар ҳимояси ва карантини бошқармаси А.Бабакулов, туманлар ҳокимликлари |
| **31-мақсад: Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 31. | Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.<br>Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига ҳар йили камида 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш.<br>Сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини 7,3 млрд.кВт. соатдан<br>6.9 млрд.кВт. соатгача камайтириш.<br>Сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш. | 1. Ирригация объектларида 12 та лойиҳа асосида 71,3 млрд. сўмлик ирригация, 20 та лойиҳа асосида 566,1 км коллектор тармоқларида 19,9 млрд сўмлик мелиоратив тадбирлар амалга оширилиб, 16,2 минг гектар майдоннинг мелоратив ҳолатини яхшилаш. Вилоят НСваЭБ томонидан 75 та насос ускунаси, 45 та электродвигател ва 108 та суғориш қудуқларини таъмирлаш.<br>2. Жами 27,9 минг гектар майдонда, жумладан; томчилатиб 24.4 минг гектарда (19,5 минг.гектар пахта) ва ёмғирлатиб 3,5 минг гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қилиш ва сув тежовчи технология билан қамраб олинган майдон 62 минг гектарга етказиш.<br>3. Ирригация тармоқларида 327 та "ақлли сув" ва 28 та насос станцияда электр энергияни онлайн кузатиш қурилмаси ҳамда 62 мелиоратив объектларга қурилмаси ўрнатиш.<br>4. Вилоятда 1 та ирригация объекти, 2 та насос станция ва 1 та мелиоратив объект сув истеъмолчиларига ДХШ асосида фойдаланишга топшириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022-2026 йиллар давомида | Ҳисоб- китоблар асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Абилов | Вилоят Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Ф.Раджабов,<br>вилоят Насос станциялари ва энергетика бошқармаси И.Гофуров,<br>туманлар ҳокимликлари |
| **32-мақсад: Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5-2 баравар кўпайтириш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 32. | 2022 йилда асаларичиликни ривожлантириш ҳамда чорва моллари, паррандалар озуқа базасини мустаҳкамлаш ва тухум, товуқ гўшти маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ошириш. | 1. Асалари оилалари сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш:<br>2022 йилда асалари оилалари сонини 83 780 минг донага етказиш ва 2200 тонна асал етиштиришни ташкил этиш.<br>2. Вилоятда 14160 гектар асосий майдонда ва 30955 гектар такрорий ҳамда 5489 гектар оралиқ экинлари экиш.<br>3. Чорвачилик хўжаликлари ва кластерларини ривожлантириш дастурлари доирасида қиймати 280 млрд. сўмлик (шундан, 12,5 млн. АҚШ доллар хорижий инвестиция) 38 та лойиҳалар амалга ошириш.<br>4. Аҳоли даромадларини ошириш мақсадида 13,6 минг та аҳоли хонадонларда 4,1 минг бош чорва моллари ташкил қилиш.<br>5. Вилоятда 1,4 млн. дона тухум ва 93 минг тонна товуқ гўшти ишлаб чиқарилиб, аҳолини тухум маҳсулотига бўлган талабини 174 фоизга, товуқ гўштига бўлган талабини 125 фоизга таъминлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Абилов | Вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси А.Нуруллаев,<br>вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси С.Ҳакимов,<br>Ҳудудий “Чорванасл” агентлигининг вилоят бошқармаси К.Султонов,<br>туманлар ҳокимликлари |
| 67. | Мактаб ўқитувчиларини белгиланган халқаро стандартлар асосида билим ва кўникмаларга эга бўлишини таъминлаш. | 1. Мактабда фаолият олиб бориши учун учун ҳар бир фан бўйича маҳаллий ёки халқаро сертификация талабларини белгилаш.<br>2. Тоифага эга бўлмаган мактаб ўқитувчиларини билим ва кўникмаларини диагностикадан ўтказиш.<br>3. Умумтаълим мактабларни, айниқса, чекка ҳудудлардаги таълим масканларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлдириш ишларини давом эттириш.<br>4. Таълим муассасаларида ўтказиладиган текширишларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, шу жумладан Интернетдаги махсус сайтни очишга таклиф киритиш. | Ҳукумат норматив-ҳуқуқий ҳужжати лойиҳасига таклифлар киритиш, Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил март<br><br>2022 йил сентябрь | Давлат бюджети маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят бўлими Ғ.Бобохолов, вилоят Халқ таълими бошқармаси З.Шодиева, Давлат тест маркази вилоят бўлими В.Сирлибоев, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| **46-мақсад: Олий таълимга қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 68. | Олий таълим муассасалари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим шакллари, шу жумладан, масофавий таълим шакли бўйича ҳам қабул квотани шакллантириш. | 1. 2022Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида қабул параметрларини 2022 йилда ошириш.<br>2. 2022 йилда ёшларнинг олий таълим билан қамров даражасини 34.5 фоизга етказиш. | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасига таклиф киритиш | 2022 йил май | Давлат бюджети, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Вилоятдаги олий таълим муассасалари,<br>Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят бўлими<br>Г.Бобохолов |
| 69. | Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш имкониятини янада кенгайтириш, бунда босқичма-босқич масофавий таълим шаклида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш. | Олий таълим тизимида масофавий таълим шаклини жорий этиш орқали ёшларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш имкониятини янада кенгайтириш. | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасига таклиф киритиш | 2022 йил апрель | Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари | | |
| 70. | Қабул параметрини шакллантириш ва тасдиқлашни соддалаштириш, ушбу жараёнда олий таълим муассасалари ваколатини кенгайтириш. | 1. Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини олий таълим муассасалари томонидан белгилаш тартибини жорий этиш.<br>2. 2026 йилда қабул кўрсаткичини камида 21955 га етказиш.<br>3. Олий таълим муассасаларига кириш учун берилган имтиёзларни хатловдан ўтказиб, уларни қайта кўриб чиққан ҳолда ягона ҳужжатда тугал рўйхати шаклида шакллантириш ҳамда ушбу имтиёзларни умумий квотага киритмаслик тўғрисидаги қоидани белгилаш. | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасига таклифлар киритиш | 2022 йил декабрь | Давлат бюджети, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари | | |
| **47-мақсад: 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 71. | Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетини QS ва THE халқаро рейтингларига кириши учун мақсадли дастурни ишлаб чиқиш. | Салоҳияти ва ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, халқаро рейтингларга киритиш бўйича 5 йилга мўлжалланган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Мақсадли дастур | 2022 йил сентябрь | Давлат бюджети, Олий таълимни ривожлантириш жамғармаси, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Х.Очилов) | Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Р.Холмуродов, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят бўлими Ғ.Бобохолов, вилоят Инновацион Ривожланиш бошқармаси Ш.Кудратов |
| **48-мақсад: Қарийб 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш** | | | | | | | |
| 72. | Талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик асосида барпо этишда лойиҳаларни молиялаштиришнинг мақбул усулларини йўлга қўйиш. | 2022 йилда 2800 ўринли 7 та талабалар турар жойларини барпо этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Тадбиркорлик субъектлари маблағлари, давлат бюджети | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Вилоятдаги Олий таълим муассасалари, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги Б.Облоқулов |
| **49-мақсад: 2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сонини камида 50 тага, жами олий таълим муассасалари сонини 200 тага етказиш** | | | | | | | |
| 73. | Вилоятда олий таълимга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, камида 1 та нодавлат олий таълим ташкилотини ташкил этиш. | 2022 йилда 1 та нодавлат олий таълим ташкилотини ташкил этиш. | Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳасини тайёрлаш | 2022 йил сентябрь | Хусусий инвестициялар ҳисобидан | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят бўлими Ғ.Бобохолов |
| **53-мақсад: Аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш** | | | | | | | |
| 74. | Аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини ошириш. | Аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлашда давлат иштирокининг ўрни ва ролини ошириш орқали янги тизимни жорий қилиш. | Норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклиф киритиш | 2022 йил сентябрь | Ҳисоб - китоблар асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги вилоят бошқармаси И.Вахобов |
| **57-мақсад: Тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини takомиллаштириш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 75. | Давлат тиббиёт муассасаларидаги тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш тизимини яратиш. | 1. Тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш бўйича эҳтиёжни ҳамда халқаро тажрибани таҳлил қилиш. | Таҳлилий материаллар | 2022 йил июль | маҳаллий бюджет маблағлари, Халқаро молия институтлари кредит маблағлари, тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси Д.Жуманиязов |
| | | 2. Тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини йўлга қўйиш бўйича таклиф киритиш. | Асосланган таклифлар | 2022 йил август | | | |
| **59-мақсад: Бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ажратиладиган маблағларни ошириш** | | | | | | | |
| 76. | Тиббий-санитария хизматининг жозибадорлигини ошириш ва соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш. | Бирламчи тиббий-санитария хизматининг ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш. Бунда:<br>тиббиёт ходимлари билан таъминлашда республика ҳудудларининг олис ва чекка ҳудудлари ва кадрлар таъминоти паст бўлган ҳудудлар рўйхатини аниқлаш;<br>олис ва чекка ҳудудлар ва кадрлар таъминоти паст бўлган ҳудудлар рўйхатига киритилган туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси тиббиёт ходимларининг ойлик маошларига алоҳида қўшимча устама киритиш. | Норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар лойиҳаларига таклиф киритиш | 2022 йил октябрь | Давлат бюджети маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси Д.Жуманиязов, вилоят Молия бош бошқармаси Б.Мирзаев |
| 77. | Хонадонбай “мақсадли” скрининг ўтказиш чораларини кўриш. | 1. Хонадонбай “мақсадли” скрининг асосида онкологик, эндокринологик ва терапевтик касалликларга чалинган беморларни эрта босқичларда аниқлаш.<br>2. Аниқланган беморларга тегишлилиги бўйича ҳудуднинг ўзида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил ноябрь | Ажратилган маблағлар доирасида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси Д.Жуманиязов |
| **60-мақсад: Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 78. | 5 та туманлараро перинатал марказлари ташкил этиш. | 1. Туғруқ комплексларини хатловдан ўтказиб, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилиши лозим бўлган рўйхатини шакллантириш.<br>2. Туғруқ комплексларида рўйхат асосида реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб бориш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йилдан бошлаб режа асосида | Инвестиция дастури доирасида, маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси Д.Жуманиязов |
| 79. | Янги ташкил этилган туманлараро перинатал марказларини зарур тиббий техника ва буюмлар билан жиҳозлаш. | 1. Тиббий техника ва буюмларга бўлган эҳтиёжни шакллантириш.<br>2. Тиббий техника ва буюмларга эҳтиёждан келиб чиқиб, туманлараро перинатал марказларга тиббий жиҳозлар учун қўйиладиган минимал талабларни ишлаб чиқиш.<br>3. Шакллантирилган эҳтиёж асосида тиббий техника ва тиббий буюмларни белгиланган тартибда харид қилиш ва ҳудудларга етказиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йилдан бошлаб режа асосида | Қонунчиликда назарда тутилган маблағлар доирасида | | |
| 80. | Перинатал марказларини малакали кадрлар билан таъминлаш. | Янги ташкил этилган туманлараро перинатал марказлари учун зарур бўлган кадрларни чет эл мамлакатларининг илмий марказ ва клиникаларида мақсадли тайёрлаш. | Амалий тадбирлар | 2022 йил июль | бюджет маблағлари | | |
| **62-мақсад: Мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг миқдорини 80 фоизга етказиш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 81. | Вилоятда импорт махсулотлар ҳажмини ва таркибини оптималлаштириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш. | 1. Махсулот ва товарлар импорти ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотларни доимий равишда таҳлил қилиш.<br>2. Таҳлил натижаларига асосан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар тақдим этиш.<br>3. 2022 йил вилоят Маҳаллийлаштириш Дастурига асосан саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган, рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари парамєтрларининг бажарилишини таъминлаш.<br>4. Дастурдаги лойиҳа ташаббускорларига доимий равишда амалий ёрдам кўрсатиб бориш. | Амалий чора-тадбирлар | Доимий равишда<br><br>2022 йил давомида<br><br>2022 йил якуни билан<br><br>Доимий равишда | - | Вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси Н.Ибрагимов | Вилоят Божхона бошқармаси Я.Мирзарахимов, вилоят Статистика бошқармаси Д.Мусинов, вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси Д.Шакарбоев, вилоят Инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Сабиров, вилоят Кичик саноат зоналари ягона дирекцияси А.Юсупов, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| **64-мақсад: Ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни “бир қадам” тамойили асосида ташкил этиш** | | | | | | | |
| 82. | Ҳудудларда оилавий поликлиникаларни ташкил этиш. | Ҳудуддаги мавжуд эҳтиёж, аҳолининг таклифларини инобатга олган ҳолда 9 та оилавий поликлиникалар ташкил этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил октябрь | Маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси Д.Жуманиязов, вилоят Молия бош бошқармаси Б.Мирзаев, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| 83. | Ҳудудларда оилавий шифокорлик пунктларини ташкил этиш. | Ҳудуддаги мавжуд эҳтиёж, аҳоли томонидан билдирилган таклифларини инобатга олган ҳолда 14 та оилавий шифокорлик пунктларини ташкил этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил ноябрь | | | |
| **67-мақсад: Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг сонини ошириш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 84. | Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг, ўқувчи ва талабаларнинг умумий сонини ошириш. | 1. Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳолини 2022 йилда 24 фоизга чиқариш.<br>Бунда:<br>- оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини соғлом турмуш тарзига ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланиш бўйича тарғибот материалларини тайёрлаш.<br>- маҳаллаларда спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни яратиш, спорт жиҳозлари билан таъминлаш;<br>2. Жисмоний тарбия ва спортга жалб қилинган ёшлар улушини 33 фоизга етказиш.<br>Маҳаллаларда спорт билан шуғулланувчилар учун қўшимча имкониятлар яратиш. Бунда:<br>- маҳаллада ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарурий инфратузилмани яратиш;<br>- маҳалла ёшларини спортга жалб қилиш даражаси рейтингини шакллантириш ҳамда мониторинги асосида маҳаллаларда спорт билан мунтазам шуғулланувчи ёшларни 2022 йилда 32 фоизга ошириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Смета харажатлари асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Қобилов | Вилоят Туризм ва спорт бош бошқармаси Ш.Рўзиев,<br>вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси И.Жабборов,<br>вилоят Ахборот ва оммавий коммуникация ривожлантириш бошқармаси М.Ибодуллаев,<br>вилоят телерадиокомпанияси М.Ихтиёров,<br>шаҳар ва туман ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 85. | Вилоят ёшлари ўртасида миллий спорт турларини оммалаштириш. | Таълим муассасаларида миллий спорт турларини ўқитиш шни жорий этиш.<br>1. Жойларда оилавий спортни рағбатлантириш ва анъанага айлантириш.<br>Бунда:<br>-оилавий спорт билан шуғулланишни рағбатлантириш, спорт билан мунтазам шуғулланувчи оилаларга қўшимча имкониятлар яратиш ва оилавий спорт тадбирларини ривожлантириш;<br>-оилавий спорт билан шуғулланиш учун маҳалаларда, истироҳат боғларида шароит яратиш;<br>-имконияти чекланган ёшлар учун инфратузилма яратиш. | Амалий чора-тадбирлар дастури | 2022 йил апрель | Смета харажатлари асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Р.Қобилов, И.Жабборов | Вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси И.Жабборов, вилоят Туризм ва спорт бош бошқармаси Ш.Рўзиев, вилоят Халқ таълими бошқармаси З.Шодиева, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| 86. | Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни тизимли йўлга қўйиш, аҳолига жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун шароит яратиш. | 1. Ўзбекистонда спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш.<br>2. Юртимизнинг чекка ҳудудлари ва қишлокларида соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш.<br>3. Ҳар бир барпо этиладиган "Яшил ҳудуд"ларда югуриш, велосипедда ҳаракатланиш учун "Саломатлик йўлаклари" ҳамда бадминтон, стритбол ва воркаут майдончаларини ташкил этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Қобилов | Вилоят Туризм ва спорт бош бошқармаси Ш.Рўзиев, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| 87. | Давлат органлари ходимлари ва аҳоли ўртасида турли оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш. | 1. Бошқарма, идора ва ташкилотлар ходимларини ва аҳолини спорт тадбирларига жалб қилиш, улар ўртасида мусобақалар ташкил қилиш.<br>2. Доимий равишда оммавий ахборот, баннерлар ва видео роликлар орқали таникли спортчилар фаолиятини ёритиб бориш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил | Ижрочилар маблағлари | | Вилоят Туризм ва спорт бош бошқармаси Ш.Рўзиев, вилоят бошқарма ва ташкилотлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| **69-мақсад: Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 88. | "Аёллар дафтари"ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш. | 1."Аёллар дафтари" орқали хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш.<br>2. Орттирилган тажрибадан келиб чиқиб, "Аёллар дафтари"ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тартиб ҳамда чора-тадбирлар белгилаш. | Норматив - ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклиф киритиш | 2022 йил март | Ҳисоб-китобларга асосан | Вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Жабборов, | Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгаши С.Рафиков, вилоят Бандлик бош бошқармаси Н.Сулаймонов, Марказий банк вилоят бош бошқармаси М.Тохиров, "Халқ банки" АТ, "Микрокредитбанк"АТБ, Агробанк" АТБ |
| **70-мақсад: Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш** | | | | | | | |
| 89. | Ёшларни ватанга садоқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш. | Барча туман ва шаҳарларда "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик" шиори остида ёшлар фестиваллари ва форумларини ташкил этиш. | Вазирлар Маҳкамаси баёнига таклиф киритиш | 2022 йил апрель- июнь | – | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Очилов, Р.Қобилов | Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси Х.Тўхтаев, вилоят Маданият бошқармаси Х.Мухаммадиев шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| 90. | Ёшлар билан ишлашнинг самарали бошқарув тизимини жорий этиш. | Ёшлар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш ва соҳада янгича бошқарув механизмларини жорий этиш.<br>Маҳаллаларда ёшлар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш. | Норматив- ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклиф киритиш | 2022 йил март | – | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси Х.Тўхтаев |
| **V. МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СОҲАНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ** | | | | | | | |
| **71-мақсад: Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган "Ҳаракатлар стратегиясидан - тараққиёт стратегияси сари" ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 91. | “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш. | “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини ва уни амалга ошириш миллий дастурини ишлаб чиқиш. | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасига таклиф киритиш | 2022 йил август | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими Ф.Назаров, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| 92. | “Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” шиори остида “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс” ғоясининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш. | 1.“Ўзбекистон қаҳрамонлари”, “Маънавият луғати” китоб ларининг тақдимотини ўтказиш.<br>2. Ҳар йили анъанавий тарзда “Маънавият фестивали”ни ўтказиб бориш. | Чора- тадбирлар режаси | 2022 йил март | | | |
| 93. | Маънавий тараққиётни таъминлаш доирасида замонавий тарғибот механизмларини жорий этиш. | Тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг таъсирчан. креатив ва инновацион услуб ларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўриш. | Чора- тадбирлар дастури | 2022 йил апрель | – | | |
| 94. | Маънавий жиҳатдан соғлом ахборот маконини шакллантириш. | Оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда холис ахборотларнинг ўз вақтида бериб борилиши таъминлаш, ёлғон ва деструктив маълумотларнинг тарқатилишининг олдини олиш. | Амалий чора-тадбирлар | Йил давомида | – | | |
| 95. | Ҳудудларда “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш. | 1. “Маҳалла – туман – вилоят – республика” тамойили асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳитни оптималлаштириш харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.<br>2. Тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб. мақсадли ва мазмунли ёндашувни шакллантириш. | Амалий чора-тадбирлар | Йил давомида | – | | |

**73-мақсад. Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 96. | ИҲТ, ИРСИКА, АЙСЕСКО, ЮНЕСКО каби дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва университетлари билан ҳамкорликда "Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс" шиори остида халқаро конференция, симпозиум ва анжуман лар ташкил этиш. | 1. "Ўзбекистон – буюк алломалар юрти" мавзусида БАА, Туркия, Малайзия, Уммон, Қувайт ва бошқа давлатларда халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказиш.<br>2. "Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови" мавзусида халқаро ва республика конференцияларини ташкиллаштириш.<br>3. Хорижда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар иштирокида "Янги Ўзбекистон ёшлари ва учинчи ренессанс" мавзусида тарғибот тадбирларини ўтказиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра (бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар) | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Мамадкулов | Дин ишлари бўйича қўмитанинг вилоят ҳудудий бошқармаси С.Баймуродов, вилоятдаги Олий таълим муассасалари |
| **74-мақсад. Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш** | | | | | | | |
| 97. | Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси нинг изчил амалга оширилишини таъминлаш. | Жамиятда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган 2022-2024 йилларда миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" лойиҳасига таклифлар киритиш. | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси | 2022 йил март | Ҳисоб-китобларга асосан | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Мамадкулов | Вилоят ҳокимининг ўринбосари котибияти мудири О.Умиров |
| **76-мақсад: Маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш, маданият муассасалари ва объектларининг моддий-техника базасини яхшилаш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 98. | Ўзбек халқи маданияти ва санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган атоқли ижодкор зиёлилар юбилейларини муносиб нишонлаш, ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш.<br>Бунда Булунғур туманида Ўзбекистон халқ шоири ва бахшиси Фозил Йўлдош ўғли таваллудининг 150 йиллигини муносиб нишонлаш. | 1. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорини ишлаб чиқиш юзасидан таклиф киритиш.<br>2. Булунғур тумани марказидаги Ф.Йўлдош хиёбони атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш.<br>3. Тадбирларни юқори савияда ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш ва юқори савияда ташкил этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2022 йил | Давлат бюджети маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Қобилов | Вилоят Маданият бошқармаси Х.Муҳаммадиев, Булунғур туман ҳокими С.Астанов |
| **VI. МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА ЁНДАШИШ** | | | | | | | |
| **79-мақсад. Аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш** | | | | | | | |
| 99. | Экологик талабларга жавоб бермайдиган маиший чиқинди полигонларининг атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш. | Мавжуд маиший чиқинди полигонлари сонини оптималлаштириш орқали, халқаро талаблар асосида санитария ва экологик меъёрларига жавоб бермайдиган 1 та маиший чиқинди полигони фаолиятини тугатиб, 3 та қурилиш чиқиндилари полигони қуриш, 5 та маиший чиқинди полигонларини реконструкция қилиш ва 1 та янги замонавий полигонларни ташкил этиш ишларини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2022 йил давомида | Инвестиция дастури доирасида (Хисоб-китоблар асосида) бюджет ва ХМИ маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров | Вилоят Молия бош бошқармаси Б.Мирзаев, вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси А.Раимжанов, “Мароқанд обод” ДУК Р.Тўлқинов, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| **80-мақсад: Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 100. | “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йил камида 15,0 млн.дан туп дарахтлар экиш. | “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш.<br>Бунда:<br>2022 йил баҳорда 10,2 млн туп ва кузда 6,1 млн туп кўчат экишни ташкил этиш.<br>Экилган кўчатларни сақлаш ва парваришлаш тизимини жорий этиш.<br>Экилган кўчатларни ташкилотларга бириктириш ва “дарахтлар реестри”дан кўчирмалар бериш тизимини жорий этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Қарорда белгиланган маблағлар ва молиялаштириш манбалари доирасида | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ф.Абилов, А.Шукуров | Вилоят Ўрмон хўжалиги бошқармаси З.Жамолов,<br>вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси А.Раимжанов,<br>шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| **82-мақсад. Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш** | | | | | | | |
| 101. | Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. | 1. Фаолияти экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган халқаро ва минтақавий ташкилотларда фаол иштирок этиш.<br>2. Марказий Осиёда экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича биргаликдаги ишлар доирасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи халқаро ташаббусларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ролини кенгайтириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Мамадкулов | Вилоят ҳокимининг ўринбосари котибияти мудири О.Умиров,<br>Дин ишлари бўйича қўмитанинг вилоят ҳудудий бошқармаси С.Баймуродов |
| **85-мақсад: Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 баробар қисқартириш** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 102. | Вилоятда Ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш. | Аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш.<br>Ташқи ва ички бозорларда ҳунармандчилик маҳсулотлари савдосини ривожлантириш, соҳа учун зарур бўлган хом-ашё базасини мустаҳкамлаш ва “уста-шогирд” муносабатларини рағбатлантиришнинг яхлит тизимини яратиш;<br>Ҳунармандчилик фаолияти субъектларини молиявий қуллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш ва уларга қўшимча қулайликлар яратиш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш;<br>**“уста-шогирд”** мактаблари битирувчиларининг мустақил фаолиятини ташкил этишига ҳар томонлама кўмаклашиш, жумладан уларни асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш бўйича қўшимча енгилликлар яратиш;<br>ҳар бир туман ва шаҳарда, шу жумладан ихтисослашган маҳаллаларда ҳунармандчиликнинг **“драйвер”** йўналишларини ривожлантириш ҳамда соҳада кооперация ва кластерлар фаолиятини жонлантириш;<br>тижорат банклари томонидан олдинги йилларда ҳунармандларга ажратилган имтиёзли кредитларнинг сўндирилган қисмини фақат ҳунармандчилик лойиҳаларини молиялаштиришга қайта йўналтириб бориш;<br>ҳудудларда намунавий типдаги ҳунармандчилик махсулотлари савдо павильонлари ташкил қилиш қилиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклиф киритиш | 2022 йил февраль | Банк кредитлари | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков | Вилоят Савдо-саноат Палатаси Ж.Шодиев,<br>вилоят “Ҳунарманд” уюшмаси У.Абдуллаев,<br>вилоят Молия бош бошқармаси Б.Мирзаев,<br>вилоят Давлат солиқ бошқармаси А.Инагамов,<br>вилоят Бандлик бошқармаси Н.Сулаймонов,<br>Марказий банк вилоят бош бошқармаси М.Тохиров,<br>Тегишли тижорат банклари,<br>шаҳар ва туман ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **86-мақсад: Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш ҳамда самарали миграция сиёсатини юритиш** | | | | | | | |
| 103. | Хавфсиз, ташкиллаштирилган хорижий меҳнат миграциясига фуқаро ларни юборишни ташкил этиш, хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар хақ-ҳуқуқ ларини таъминлашга манзилли кўмак кўрсатиш. | 1. Хорижий мамлакатлар меҳнат ресурслари ва ишчи кучи, аниқ мутахассисларга бўлган талабини ўрганиш.<br>2. Хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар меҳнат шароитлари, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиб чиқиш. | Таҳлилий маълумотлар, амалий чора- тадбирлар | 2022 йил дан бошлаб ноябрь-январь ойлари доимий | Ижрочилар маблағлари | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков | Вилоят Бандлик бошқармаси Н.Сулаймонов, Ташқи меҳнат миграция агентлиги вилоят ҳудудий филиали У.Нормуратов |
| | | 3. 2022 йилда камида 6,9 минг нафар фуқароларни ишга жойлаштиришни таъминлаш ташкиллаштирилган ҳолда юборилган 3 минг нафар фуқарога ҳаёти ва соғлигини суғурталаш полислари харажатларини қоплаб бериш, 160 нафар фуқарога имтиёзли микрокредитлар ажратиш. | "Йўл харитаси" | 2022 йил март | | | Вилоят Бандлик бошқармаси Н.Сулаймонов, Марказий банк вилоят бош бошқармаси М.Тохиров, Тегишли тижорат банклари, шаҳар ва туман ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 104. | Меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқаролар бандлигини таъминлаш ва реинтеграция қилиш чораларини кўриш, **“Ўз келажагимга ўзим инвестор”** лойиҳасини самарали амалга ошириш. | 1. Хориждан қайтган фуқаролар касб ва кўникмалари бўйича ўрганишлар олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, касб ва кўникмаларга қайта тайёрлашга эҳтиёж, тадбиркорликка жалб этиш имкониятларини кўриб чиқиб, манзилли дастурлар тайёрлаш. Хориждан қайтган фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини танқидий кўриб чиқиш, самарали кўмак кўрсатиш тизимини яратиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил ноябрь | | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков | Вилоят Бандлик бошқармаси Н.Сулаймонов, вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси Д.Шакарбоев, вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси Ш.Собиров, вилоят Молия бош бошқармаси З.Мирзаев, Марказий банк вилоят бош бошқармаси М.Тохиров, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
| | | 2. Тасдиқланган дастур асосида 20,5 минг нафар хориждан қайтган фуқароларни доимий ва вақтинчалик иш ўринларига ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш ҳамда тадбиркорликка жалб қилиш. **“Ўз келажагимга ўзим инвестор”** лойиҳаси доирасида хорижда ишлаб келган ва ватанида тадбиркорлик қилмоқчи бўлган фуқароларни қўллаб - қувватлаш тизимини яратиш. Бунда; Камида 2,9 мингта тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун уларга бўш бино-иншоотлар ажратилишида, муҳандислик - коммуникация тармоқларига уланишга, кредит маблағлари олишига кўмаклашиш, ёлланма ишчиларнинг касбий малакасини ошириш ва бошқа масалаларда ёрдам бериш. | Амалга ошириладиган ишлар йўл харитаси | 2022 йил давомида | | | |
| **88-мақсад: Пандемияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш** | | | | | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 105. | Пандемия ва шу каби офатлар билан боғлиқ жараёнларнинг барвақт олдини олиш тизимини яратиш. | Вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, бўлажак хавф-хатарларни, улар билан боғлиқ муаммоларни олдиндан прогноз қилиш, уларнинг ечимига аниқ режа ва чоралар билан тайёр туриш тизимини яратиш. | Амалий чора-тадбирлар |
| 106. | Касалликларни енгиш учун хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш. | Беморларни даволаш бўйича телемедицина орқали олиб бораётган мулоқотларни кенгайтириш, халқаро тажрибалар ва тавсияларни фаол жорий этиш. | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 2022 йил давомида | – | Вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов | Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси Д.Жуманиязов, вилоят Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси А.Бахрамов |

Самарқанд вилоят ҳокимининг
2022 йил 17 февралдаги
77-7-6-Q/22-сон қарорига
2-илова

**Давлат дастурини вилоятда ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилишини ва дастурнинг бажарилишини мувофиқлаштирувчи вилоят ишчи гуруҳи таркиби**

| | | |
|---|---|---|
| Ж.Ураков | - | Вилоят ҳокимининг молия - иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, **вилоят ишчи гуруҳи раҳбари** |
| А.Шукуров | - | Вилоят ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари |
| Ф.Абилов | - | Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари |
| О.Ходжаев | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари - инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи |
| Х.Очилов | - | Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари |
| Р.Қобилов | - | Вилояти ҳокимининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари - Туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи |
| Д.Мамадкулов | - | Вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари |
| И.Жабборов | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи |
| Н.Ибрагимов | - | Вилоят ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси |
| Ш.Юлдашев | - | Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудири |
| Б.Рахматуллаев | | Вилоят ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари |
| С.Абирахматов | - | Вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари |
| М.Тахиров | - | Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари |
| Б.Мирзаев | - | Вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи |
| С.Нуриев | - | Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи |
| А.Иногомов | - | Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи |
| Д.Шакарбоев | - | Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси биринчи ўринбосари |

| | | |
|---|---|---|
| Ш.Сабиров | - | Вилоят инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| Шодиев | - | Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи |
| Н.Сулаймонов | - | Вилоят бандлик бошқармаси бошлиғи |
| Д.Хўжамбердиев | - | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи |
| Б.Умаров | - | Давлат кадастрлари палатасининг вилоят бошқармаси бошлиғи |
| Л.Хамидов | - | Вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи |

***Изоҳ:*** *Шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳам ишчи гуруҳ аъзоси ҳисобланадилар.*

*Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтганда тақдирда мазкур лавозимга тайинланган шахслар ишчи гуруҳ аъзоси ҳисобланади.*

*Ишчи гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан зарурий чоралар кўрадилар.*